



**8,3 миллионта хонадон  
рўйхатга олинди**

2-с.

**Ички интилиш бўлмаса,  
ташқи кўмак фойдасиз**

“Хонадонбай” ўрганиш натижасида ҳудуддаги оилаларнинг бўш ерлари, фуқароларнинг касб-хунар кўникмалари ва ишлаш истаги бор ёки йўқлигини аниқлади.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№17  
(2345)**

**2026 йил  
4 МАРТ,  
ЧОРШАНБА**

# Маҳалла

**ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

### “ЮКСАЛИШ” ТАДБИРКОРЛИК ВА МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШДА ЮКСАЛАЁТИР

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Куронбоев Фарғона вилояти маҳаллаларида бўлди.**

**М**арғилон шаҳридаги “Юксалиш” маҳалласида 5188 нафар аҳоли яшайди. Одамларнинг асосий қисми хунармандчилик билан шуғулланади. Хусусан, қосибчилик, новвойчилик ҳамда савдо-сотик йўналишларида бандлик таъминланган. Уюшма раиси маҳалла биноси

ва унга ёндош ҳудудда очилган янги кутубхона фаолияти билан танишди. Кутубхона учун барча зарур ёрдамлар кўрсатилиши кайд этилди.

Шунингдек, илгари фойдаланилмаган 1,5 гектар майдонда ташкил этилган Ёшлар кичик саноат ҳудуди фаолияти кўздан кечирилди. Аини пайтда бу ерда 22 нафар тадбиркор иш қуряпти. Натижада 650 та янги иш ўрни яратилган. Мулоқотда

тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифлари тингланди. Бандликни ошириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш масалаларига устувор аҳамият қаратилди.

Фарғона вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маҳалла ёшларини ватанпар-

варлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳарбий хизматга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган мусобақа 18-22 ёш тоифасида жамоавий тартибда ташкил этилади. Республика босқичида юқори натижага эришган жамоа аъзоларига олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган олий таълим муассасаларига кириш учун тавсиянома ҳамда ғолиб жамоаларнинг маҳаллаларига спорт иншоотлари қуриб берилади.



ОБОДЛИК

**“ЮРТ ОБОДЛИГИ,  
АВВАЛО,  
МАҲАЛЛАДАН  
БОШЛАНАДИ!”**

Баҳорга, Наврўзга хос азалий анъана бор, бу — ҳашар уюштириш. Бу шунчаки жамоат иши эмас, балки халқимизга хос бўлган бағрикенглик, ҳамжихатлик ва меҳроқибатнинг амалий ифодасидир.



Азалдан халқимизда кимдир уй курса ёки таъмирлаш ишларини бошласа, қариндош ва қўшнилар қараб туришмаган. Эраклар усталарга ёрдамга чиққан, аёллар таомлар билан уларни сийлашган. Бугунги кунда ҳам ушбу анъана янгича мазмун билан бойиб, юртимизда тинчлик-хотиржамлик ва ободлик кафолатига айланган.

Давоми 2-саҳифада.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатин!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



**20 ТРИЛЛИОН СЎМ —  
МАҲАЛЛА ИХТИЁРИДА:**

**Йиғинлар янги қиёфа касб этади, аҳоли фаоллиги ортади, ташаббускорлик рағбатлантирилади**



2026 йил — Ўзбекистонда маҳаллалар тарихида янги саҳифа очмоқда. Илк бор маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ва аҳолининг ташаббускор лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 20 триллион сўм маблағ тўғридан-тўғри ҳудудлар ихтиёрига берилди. Бу нафақат маблағ, балки маҳалланинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун тақдир этилган катта имконият ва ишончдир.

Аҳолиси фаол маҳалла обод бўлади

“Маҳалла инфратузилмасини янада тақомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастури”га қўра, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун 20 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Жумладан, мазкур маблағлар ҳисобидан “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми берилган ҳудудлар ривожлантирилади, саноат, қишлоқ ҳужалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида зарур инфратузилма яратилади.

Давоми 2-саҳифада.

**БУГУНГИ  
СОНДА:**

**Дилимиз ранжигани — ажралишлар олдида имконсиз қолганимиз**

Одам ким биландир суҳбатлашса, кечинмаларини унга гапириб берса, анча енгил тортади. Энг қийини эса, ўша кишига дард-кашлик қилиш.

4-с.

**Энг нодир неъмат, бу — ҳалол меҳнат билан топилган бахтда**

Баъзан ҳаётнинг ўзи инсонни синовларда синайди. Қўлингдан иш келмай, юрагингда орзу бўлсаю, имкон топилмаса, бу оғир кечади. Буни ногиронлиги бўлган ёшлар яхши билади.

5-с.

**“Олам аро ҳар бир одам бир олам”**

Ҳаракатсиз, бир жойда ўтириб қолган боланинг кўчага чиқиши, табиат гузалликларидан баҳра олиши учун баъзан биргина аравача тақдир этишининг ўзи кифоя қилиши мумкин.

6-с.

**“Еттилик”ка босим ўтказган “бойка” ушланди**

Масаланинг офрикли жихати, у маҳалла ходимларига босим ўтказишга борган. Жумладан, ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган ходимга босим ўтказиб, қалбаки мониторинг далолатномалари орқали бир неча фуқарога жами 164,6 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига эришган.

8-с.

6-САҲИФА

**“ОИЛАВИЙ МАСАЛА”, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАР ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЪИҚНИ ОҚЛАМАЙДИ**

8-САҲИФА

**ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁШЛАРГА КАЛИТНИ КИМ БЕРЯПТИ?**





Тажриба тариқасида Навоий вилоятида яшовчи ЭХТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРНИНГ ХОНАДОННИНГ энергия тежамкор қилиб таъмирлаш ишлари амалга оширилади.



“БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ” тамойили асосида юқори даромадли маҳсулот етиштирувчи маҳаллалар сони 2 500 тага етказилди.



2026 йил 1 мартдан бошлаб, фуқаролар ЎЗ УИИДА ЯШАМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ онлайн тарзда рўйхатдан чиқариши мумкин.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ЖАРАЁН

20 ТРИЛЛИОН СЎМ — МАҲАЛЛА ИХТИЁРИДА: Йиғинлар янги қиёфа касб этади, аҳоли фаоллиги ортади, ташаббускорлик рағбатлантирилади

Маблагларнинг ҳар бир сўми маҳаллада иш уринлари яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга тақдим этилади. Қайси маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири лойиҳа қилиб, уни асослаб берса, зарур маблағ берилди. Бу — бюджет маблагларини самарали ишлатишда лойиҳавий ёндашув бўлади.

Шунингдек, маблаглар “Ташаббусли бюджет” тадбирлари учун йўналтирилади. Бу йилдан мазкур йўналишда янги тартиблар белгиланган.

Янги тартибга кўра, ғолиб бўлмаган иккита лойиҳа (ҳар мавсумда биттадан) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббусига кўра, ғолиб деб эълон қилинади. Бунинг учун ҳар бир депутатга салкам 3,3 миллиард сўм ажратилади.

Қолаверса, айрим лойиҳалар аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштирилади. Бу жараёнда аҳоли лойиҳалар қийматининг 50 фоизини ихтиёрий молиялаштириганда, лойиҳалар ғолиб деб топилади ва қолган 50 фоизи республика бюджетидан қоплаб берилди.

Дастурга кўра, 20 триллион сўм маблағ ҳисобидан 100 та энг яхши солик тўловчи маҳалланинг ҳар бирига 2 миллиард сўмдан ажратилади. Мазкур маблағ Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига туширилади.



Бу маблаглар Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида фақат шу маҳалла ҳудуди инфратузилмасини (ички йўللارни таъмирлаш, ичимлик суви ва электр таъминотини яхшилаш, кўча чироқларини ўрнатиш ва бошқа инфратузилма лойиҳаларини) яхшилаш учун йўналтирилади.

“Маҳаллам — лойиҳам” дастури йўлга қўйилди

Ислохотлар дастурига асосан, маҳаллалардаги масалаларни уларнинг ўзида фуқаролар иштирокида ҳал этиш бўйича “Маҳаллам — лойиҳам” дастури амалга оширилади.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми берилган ҳудудлардаги маҳаллаларда тажриба тариқасида ижтимоий, иқтисодий ёки экологик йўналишдаги масалаларни (канализация, кўчани ёритиш, болалар майдончаси, дарахт экиб, боғ яратиш, ёшлар ва тадбиркорлар марказини ишга тушириш) овоз бериш орқали ҳал этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, бу жараён айнан битта ҳудуд миқёсида ўтказилди ва “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг ўзига хос кичик муқобили саналади. Лойиҳаларга овоз бериш “Рақамли маҳалла” платформасида амалга оширилади.

Бу орқали маҳаллада фуқароларнинг ташаббуси ва ижтимоий фаоллиги ортади. Тегишли йиғинларда йилга камида 1-2 та ташаббусли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.



Умуман олганда, жорий йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм маблағ ажратилиши маҳаллани фақат ижтимоий институт эмас, балки ҳудудни ривожлантиришнинг асосий бўғинига айлантиради. Бу жараёнда аҳоли ташаббускорлиги қўллаб-қувватланади, аҳолиси ижтимоий фаол, фуқаролик бурчини ўз вақтида адо этган йиғинларга қўшимча имкониятлар яратилади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!”



Ҳашар баъзи бировлар ҳаёл қилганидек, одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш эмас, ота-боболаримиздан ўтиб келаётган эзгу анъаналарни давом эттириш, озодлик, тозалик ва поклик бобида аجدодлар тутган ва эътироф этган тўғри йўлдан бориш демакдир.



Кадрятлар маҳаллаларда бардавом. Ва-зирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши билан Наврўз байрами арафасида — 13-14 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилади.

Ҳашар кунлари ҳар бир маҳаллада амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир кўча ва тураржойларда ишлар ҳажми “кўчабай” ва “хонадонбай” шакллантирилиб, уларга “маҳалла еттилиги” ҳамда фаоллар бириктирилади.

Жараёнда маҳаллалар, аҳоли пунктлари, тураржойлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, кўчалар, йўлақлар, болалар майдончалари тартибга келтирилади. Дарахтларни оқлаш ва буташ ишлари амалга оширилади. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур хайкали ўрнатилган хиёбонлар атрофида, улуғ аждодимиз номи берилган юртимиздаги кўчаларда ободонлаштириш ишлари ташкил этилади.

“Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасида маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари атрофида мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли катламлари, айниқса, боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаро-

ларнинг уй-жой шароитлари яхшиланади.

Ҳашар кунлари жамоатчилик вакиллари иштирокида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла бинolari, болалар спорт майдончалари ва бошқа ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилади. Ҳар бир маҳаллада ободлик, соғлом турмуш тарзи ҳамда санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилади.

Ҳашарга аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ихтиёрийлик асосида жалб қилинади. Зотан, ҳашар, бу — фақат меҳнат эмас, балки катта тарбия мактаби ҳамдир. Кексаларнинг дуосини олиш, ён-атрофдагиларга беминнат ёрдам бериш ёш авлод қалбида меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

Аслида, бундай кенг миқёсли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари элнинг жипслигини синовдан ўтказди. Шу сабабли бўлса керак, неча асрларки, бу анъана барҳаёт. Ҳашар дейилса, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар белини маҳкам боғлаб, эзгу ишга отланади.

Умуман, халқимизга хос бирдамлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, фазилатлари ҳашар кунлари бор буй-басти ногиронлиги бўлган фуқаро-



Онлайн босқичда қатнашмаган ёки маълумотларни хатолик билан киритган фуқаролар 4-28 февраль кунлари иккинчи босқичда қамраб олинди. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” вакиллари уйма-уй юриб планшетлар орқали маълумотларни тўғридан-тўғри электрон платформага киритиб борди.

Рўйхатга олиш якунларининг дастлабки маълумотларига кўра, республика бўйича жами 8,3 миллионга хонадонда яшовчи аҳоли тўлиқ қамраб олинди.

Рўйхатга олиш жараёни тўлиқ рақамли тизим асосида амалга оширилди: ҳар бир шахснинг маълумоти ЖШШИР орқали текширилди. Агар маълумот онлайн ёки уйма-уй босқичда тақдор киритилган бўлса, тизим тўғридан-тўғри бундай ҳолатларни аниқлаб, фақат битта ёзувни қабул қилди. Яъни маълумотлар сифатини таъминлашда инсон омилни камайтирувчи автоматик назорат тизимларидан фойдаланилди.

Рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари 2026 йил 1 июлга қадар, якуний ва тўлиқ таҳлил қилинган маълумотлар эса 2027 йил 1 июлга қадар эълон қилинади. Бу рақамлар — шунчаки йиғилган маълумот эмас, балки бир неча босқичли текширувдан ўтган, аниқлаштирилган ва расмий тасдиқланган ишончли натижалар бўлади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

ЖАРАЁН

1 мартдан маҳаллада янги меъёрлар ишга тушди

“2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган.

Қарорга асосан, 2026 йил 1 март санасидан “маҳалла еттилиги” ва маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ айрим қонун меъёрлари ишга тушди. Жумладан:

- “маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш бўйича ажратиладиган кредитлар физ ставкасининг бир қисмига компенсация тақдим этилади;
- “маҳалла еттилиги” хулосасига асосан, Ижтимоий реестрдаги I гуруҳ ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар хонадонларининг девор ва томларини изоляция қилиш, энергия тежамкор дераза ва эшик ҳамда қуёш панеллари ёки гелиоколлектор ўрнатиш ишлари амалга оширилади;

- оғир тоифадаги туманларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар йиллик 12 фоиз ставкада ажратиб берилди;
- хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисини туман ва шаҳар ҳокими лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади;
- ҳоким ёрдамчиларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар бўйича юзага келган муаммоларни қарздорликларнинг ундирилган суммасидан бир қисми, хусусан, 2022 йилгача ажратилган кредитлар бўйича ундирилган сумманинг 20 фоизи, 2022 йилдан 2025 йил 1 январга қадар ажратилган кредитлар бўйича ундирилган сумманинг 10 фоизи бонус сифатида ажратилади.



**Тадбиркорлик фаолиятига оид давлат хизматларини “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатувчи “БИЗНЕС ҲАМРОҲ” ЛОЙИҲАСИ ишга тушди.**



**Табиий газ учун иситиш мавсумида белгиланган базавий меъёр республикамизнинг барча ҳудудларида 15 МАРТГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛДИ.**



**1 мартдан бошлаб, банклар истеъмол кредитлари ва микроқарзларни беришда қарз олувчининг ДАРОМАДИГА ҚАРАБ ЧЕКЛОВ ҚўЛЛАЙДИ.**

**2026 йил  
4 МАРТ,  
ЧОРШАНБА**

**Mahalla №17**

**3**

## ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ТАҲЛИЛ

### Мулкдорлар нега бошқарув сервис компаниялари хизматидан норози?

**Кўп квартиралар уйларида яшовчилар билан “ЖЕК” ёки бошқарув сервис компанияси ўртасида доим келишмовчилик кузатилади. Истеъмолчилар хизмат кўрсатилмаслигидан, бажарувчи маблағ тўланмаслигидан нолийдми. Ҳа, кейинги пайтда икки тарафнинг сабаблари билан тўловлар ортга сурилиб келяпти. Муаммога ечим борми?**

Хайрулло ФАЙЗ.

Ушбу йил бошида давлат раҳбари айтиши шундай бўлдики, тақдирот билан танишиш, тақдирот билдирилди. Қайд этилганидек, бугун 44 мингдан зиёд кўп квартиралар уйида 71 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 900 дан ортиқ бошқарув сервис компаниялари ва 200 дан ортиқ ширкатлар хизмат қилади. Шунингдек, 856 та уйда ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, компанияларнинг аксарияти мажбурий бадал ҳисобидан фаолият юритади. Тўловлар вақтида тўланмаслигига сабаб — бошқарув компаниялари мулкдорларнинг умумий йиғилишларини ўтказмайди, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тақдим этмайди, бунинг учун онлайн имконият яратилмаган. Шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун асосий қарздорлик ҳисобланади. Қолаверса, шартномада белгиланган қонунчилик талабларига мос келмайдиган ёки истеъмолчининг ҳуқуқини чекловчи компаниялар ҳам йўқ эмас.



**“Юқсалиш” ҳаракати ўтказган ўрганишда бу фикримиз яна бир қарра исботини топди. Масалан, 52 та кўп квартиралар уйининг ертўласига 16 та бошқарув компаниялари талаб даражасида ёки умуман хизмат кўрсатмаган, чиқиндилардан тазаламаган, 34 та кўп квартиралар уйининг фасад қисмида 18 та бошқарув компанияси жорий таъмирлаш ишларини амалга оширмаган.**



Республика бўйлаб ўтказилган сўровномада респондентларнинг 35,8 фоизи компаниялар фаолиятини қоникарсиз, деб белгиланган. Қолаверса, айрим кўп квартиралар уйларнинг мулкдорларига уйларни бошқариш шаклини эркин танлаш имконияти берилмапти. Бу — “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга зид.

Муаммога ечим топиш учун кўп квартиралар уйларни бошқариш тизimini тўлиқ қайта кўриб чиқиш керак. Бошқарув компанияларини танлашда мулкдорларнинг бевосита иштирокини таъминлаш, улар хизмат кўрсатиши мумкин бўлган кўп квартиралар уйларнинг чегаравий миқдорини белгилаш лозим.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

## Ички интилиш бўлмаса, ташқи кўмак фойдасиз

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

### ПОМИДОР КўЧАТИ ҚАНДАЙ ЭКИЛАДИ?

**Баҳор келиши билан хонадонларда помидор кўчати экиш ишлари бошланди. Ҳўш, бу жараён қандай амалга оширилиши керак? Мутахассислар фикрича, экиш учун 40-45 кунлик кўчат танланади. Пояси ва илдизи дуркун ривожланган, барги тўқ ашиқ тусда, соғлом бўлиши лозим.**



**Шодмон НАМОЗОВ,**  
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Ушбу йил бошида давлат раҳбари айтиши шундай бўлдики, тақдирот билан танишиш, тақдирот билдирилди. Қайд этилганидек, бугун 44 мингдан зиёд кўп квартиралар уйида 71 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 900 дан ортиқ бошқарув сервис компаниялари ва 200 дан ортиқ ширкатлар хизмат қилади. Шунингдек, 856 та уйда ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилган.



**Помидор сувга талабчан ўсимлик бўлиб, сизот сув чуқур жойлашган ерларда ўсув даври ноябда 18-20 март, юзда жойлашган ерларда 12-15 мартга суғурилади. Қийос пишганда ёрилиб кетмаслиги учун ҳосил териб олинган, навбатдаги сув берилди.**

Меваси поясида тўлиқ пишиб қаттиқ бўлганда етилган ҳисобланади. Оч ёки тўқ қизил ранга кирган авайлаб, пояга шикаст етказмасдан синдириб олиш мумкин. Терилган помидорларни салқин жойга қўйиш лозим. Пишган вақтида териб олинмаса, поясидан оқиб тушади.

**Навбатдаги ўрганиш жараёнида ишсиз сифатида рўйхатга олинган эҳтиёжманд оила вақилиси Насиба опа билан суҳбатладим. Тикувчиликка қизиқишини аниқладим. Муаммо — маблағ йўқлигида экан. Шу боис уни касбга ўқитиш курсига йўналтириб, имтиёзли кредит олишига ёрдам бердик. Тез орада уй шароитида тикувчилик фаолиятини бошлаб, натижа кўзга ташланди. Бир йил ичида ўзидан ташқари, яна икки нафар аёлнинг бандлигини таъминлади. Муҳими, оила барқарор даромад манбаига эга бўлди.**



**Бахтиёр АҲМЕДОВ,**  
Бекобод туманидаги “Дўстлик” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

ва субсидия беряпмиз, касб-хунарга ўқитяпмиз. Аиниқса, тажрибали тадбиркорлар билан кооперация йўлга қўйилгани имкониятимизни янада оширди.



**Маҳалла еттилиги” кўмагида турмуш шароити яхшилانган бу каби тақдирлар оз эмас.**

Орзуим — ҳудудда бирорта ҳам ишсиз ва камбағал оила қолмаслиги. Шу мақсадда доим изланишдаман. Фаолиятини бошлаганимга 3 йил бўлди. Дастлаб осон кечмади. Одамлар ишончини қозониш, муаммоларига ечим топиш учун туну кун меҳнат қилдим. “Хонадонбай” ўрганиш натижасида ҳудуддаги оилаларнинг бўш ерлари, фуқароларнинг касб-хунарга кўникмалари ва ишлаш истаги бор ёки йўқлигини аниқладим. Шу асосда иссиқхона, паррандачилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик йўналишлари ривожлантирилди.

Асосий “ўсиш нуқта”миз — деҳқончилик ва чорвачилик. Уй шароитида кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ҳам қўллаб-қувватляпмиз. Маҳаллада меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп, уларнинг асосий қисмида доимий иш жойи йўқ. Шунинг учун юқоридаги йўналишларни жадал ривожлантириш учун аҳолига имтиёзли кредит



**Фаолиятим давомида доим бир саволга жавоб излашдан чарчамайман — маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш учун яна қандай имкониятлар мавжуд? Бу орқали 20 та оиланинг тадбиркорликка бўлган қизиқишини аниқлаб, уларга тегишли дастурлар доирасида кўмаклашдик. Шу даврда 3 та янги кичик корхона ташкил этилди, 22 нафар фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Натижада 50 нафар аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлди. Кўрилатган чора-тадбирлар маҳаллада тадбиркорлик ҳаракатининг фаоллаштирди.**

БИЛИБ ОЛИНГ!

**Маълумки, ишсиз фуқароларга субсидия (қайтарилмайдиган маблағ) ва ссуда (физсиз қарз) ажратиш тартибига кўра, бу йил илк мартга тажриба тарихисидан 3 та йўналишда аризалар қабул қилинмоқда.**

### КИМЛАР СУБСИДИЯ ВА ССУДАГА АРИЗА БЕРСА БўЛАДИ?



Яъни, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш, миграциядан келган шахсларга қишлоқ хўжалиги кооперативларига устав фонди киритиш учун субсидия ажратилса, камбағал оила аъзоларига зарур асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида ссуда берилиши йўлга қўйилди.



**Тартибга асосан, мазкур маблағлардан фойдаланиш учун бир қатор талаблар белгиланган. Жумладан, ариза берувчи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ёки “Камбағал оила реестри”га киритилган оилалар эгаси ёки аъзоси, “Ишсизлар реестрида” ишсиз деб эътироф этилган бўлиши керак.**



**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**



Остона шаҳрида фавкулдда вазиятларда гендер зўравонликка қарши самарали жавоб чоралари масалаларига бағишланган **МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР** бўлиб ўтди.



Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда идоралараро ҳамкорлик бўйича **УЧ КУНЛИК СЕМИНАР** ташкил этилди.



Сабина Бобоқуллова, Нигина Ўктамова, Навбахор Ҳамидова ва Азиза Зокирова бокс бўйича **“СТРАНДЖА” ХАЛҚАРО ТУРНИРИ** ЧЕМПИОНИГА айланди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

ОДАМ ДУНЁГА КЕЛИШ УЧУН СОҒЛОМ БЎЛИШИ КЕРАК

— Ойижон, бугун шифокор кўригига боришим керак эди. Рухсат берсангиз, юмушларимни тамомлаб, зарур таҳлилларни топшириб келардим. — Эй, шифокорлар гапиравереди. Ҳомилангиз эндигина уч ойлик бўлди. Туппа-тузук юрибсиз-ку, ҳадеб кўзика қатнашдан нима маъно? Бекорга ортиқча харажат кўлаяди.



Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” муҳбири.

Бу кўпчиликка таниш ҳолат. Айрим қайноналар қаттиққўллик қилиб ёки бепарволик сабаб келинининг соғлигига жиддий қарамайди. Айниқса, фарзанд кутаётган аёлларнинг бундай салбий муносабат сабаб оғир аҳволга тушиб қолиши жуда ачинарли.

Лекин айрим оила вакиллари мазкур масалага нотўғри ёндашади. “Ҳеч нарса қилмайди” қабилда иш кўриб, келинининг саломатлиги билан боғлиқ жиҳатларга унчалик эътибор қаратмайди. Бунинг оқибатида ҳомиланинг эрта тугилиши, бўлғуси онанинг ҳолати оғирлашиши, асорати аяқчи бўлган туғуруқлар кузатилиши мумкин.

Келин бировнинг йиллар давомида кўз қорачигидек асраб-авайлаб ўстирган фарзанди. У дунёга келтираётган гўдак эса оила давомчиси. Шу ҳақиқатни англаган инсон омонатни қадрлаши зарур.

...Тўйдан кейинқоқ Гавҳаройнинг буйида бўлди. Бу хушхабар ҳаммани бирдек хурсанд қилди. Лекин бошқоронғулик келинни анча ҳолдан тойдириб қўйди. Икки-уч ойгача оғзига бирор лўқма таом олмай, ётиб қолди. Уйнинг катталари бу табиий ҳол экани, тез орада ўтиб кетишини тақрорлашарди. Онаси эса қизининг турмушига аралашшига хижолат қилиб, дардини ичига ютишни афзал кўрди. Шу тарзда анча вақт ўтди. Хотинининг қанчалар азоб чекаётганини кўрган қувё шахд билан уни ўзи шифокор кўригига олиб борди. Утказилган таҳлиллар натижасига кўра, келинининг гемоглобинини жуда пасайиб кетибди.

Зудлик билан уни касалхонага ётқиришди. Ҳатто, бир ойлик муолажалардан кейин ҳам бўлажак она соғлигини тиклай олмади. Моддалар етишмовчилиги сабаб туғуруқ жараёни ҳам оғир кечди. Боланинг саломатлигини ўйлаб, жарроҳлик амалиёти бажарилди...

“**Ҳомилдорлик табиий жараён бўлишига қарамай, аёл доимий равишда шифокор назоратида бўлиши зарур, — дейди Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиника бошлиғи Азиза Ширинова. — Аёл гўдак дунёга келгунга қадар 7 марта умий кўриқдан ҳамда 3 марта чуқурлаштирилган скрининг текширувидан ўтиши зарур. Бунда ҳам онанинг, ҳам ҳомиланинг соғлиги кузатиб борилади. Жиддий ўзгаришлар аниқланганда, керакли даво чоралари қўлланилади.**”

ДАРОМАД МАНБАИ

ТОМОРҚА РЎЗҒОРНИ БУТЛАДИ, ДАРОМАДНИ МЎЛЛАДИ

Назира Қаршиева — меҳнат қилиб чарчамайдиган миришкорлардан. Узоқ йиллар давомида ер билан тиллашиб, деҳқончилик қилишнинг сир-асрорларини ўрганган аёл бир муддат оқова сув танқислиги сабаб қийналиб келаётган эди.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Жорий йилда Шўрчи туманидаги “Олатемир” маҳалласида 5 та қудуқ қазилиши бошқа фуқаролар қатори Назира опани ҳам қувонтирди. Бу янгилик аҳоли томорқаларида етиштириладиган сабзавот ҳосилдорлигини анча оширди. Қолаверса, ҳудудда иссиқхоначилик жадал ривожланаётгани боис мазкур йўналишда ҳам махсуддорлик ортиши кутилмоқда.



Ер ва сув бор жойда барака бўлади, дейишади. Бугун бунинг ўзи кўзимиз билан кўряпмиз. Яратилган шароитлар туфайли олатемирликларнинг келажакка бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

— Қудуқлар қазилгани туфайли томорқамиздан унумли фойдаланяпмиз, — дейди Назира Қаршиева. — Илгари сув танқислиги сабабли еримизнинг ҳаммасидан тўлиқ фойдалана олмадик. Айниқса, ёз ойларида экинлар сувсизликдан қийналар, ҳосил ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Энди эса сув масаласи анча енгиллашди. Томорқамизни ўз вақтида суғоряпмиз, сабзавот ва полиз экинларини кўпайтирдик. Илгари фақат ўз эҳтиёжимиз учун экиб келган бўлсак, ҳозир ортиқча маҳсулотни савдога чиқаряпмиз. Бу оилавий даромадимизга ҳам ижобий таъсир қилляпти. Болаларимизнинг ўқиши, рўзгор эҳтиёжлари учун қўшимча маблағ бўляпти. Энг муҳими, меҳнатимиз самарасини кўряпмиз.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

ДИЛИМИЗ РАНЖИГАНИ — АЖРАЛИШЛАР ОЛДИДА ИМКОНСИЗ ҚОЛГАНИМИЗ

Дардни ичга ютиб яшаш қийин. Одам ким биландир суҳбатлашса, кечинмаларини унга гапириб берса, анча енгил тортади. Энг қийини эса, ўша кишига дард-кашлик қилиш. Лекин биз, маҳалла ходимлари шундай масъулиятли вазифани виждонан адо этиб, фақат хотир-жамлик туяемиз.



Сабохат МЕЛИКОВА, Самарқанд шаҳридаги “Дукчиён” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Мана беш йилдирки, маҳалламиздаги хотин-қизларнинг яқин сирдошиман. Қачон, қандай вазиятда бўлишидан қатъи назар, уларни тинглашга тайёрман. Фақатгина далда бўлиш эса ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Баъзан муаммоларни бартараф этиш устида ойлаб ишлашга тўғри келади. Айни вақтда ҳудудимизда 1 374 нафар хотин-қиз истикомат қилади. Уларнинг кўпчилиги ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари билан машғул бўлиб, вақтини мазмунли ўтказиш баробарида даромад топиб келяпти.

“**Фаолиятим давомида мени энг кўп ўйлантирадиган масала, бу — оилавий ажралишлар. Агар мавзуга таҳлилий ёндашадиган бўлсак, муаммони юзга келтираётган сабаблар сифатида фарзандсизлик ҳамда эр ёки хотиннинг миграцияда эканини кўришимиз мумкин. Шундай баҳоналар қаршида “еттилик” имконсиз қолаётгани эса дилни ранжитади.**”

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ



Хунар билан ҳаёт завқли, кунинг мароқли ўтади

Дўстлик туманидаги “Наврўз” маҳалласида яшовчи Манзура Қўлматова тикувчилик корхонасини ташкил этиб, ҳудуддаги хотин-қизлар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Унга ушбу фаолиятни йўлга қўйиши учун 66 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Натижада тадбиркор замонавий тикув ускуналари харид қилиб, 10 та янги иш ўрни яратди. Айни пайтда цехда маҳалланинг хотин-қизлари доимий меҳнат қилиб келяпти. Бундан ташқари, Манзура Қўлматова ташаббуси билан маҳаллада “Сурайёхоним” ўқув марказининг бўлими ҳам очилди. Бу ерда опа-сингилларимиз уй ҳамширалиги йўналишида касб-хунар ўрганмоқда.

Ҳозирги кунда марказдаги уч ойлик курс доирасида 10 нафар қиз уй ҳамширалиги йўналишида тиббий билим ва малакасини оширяпти. Бу эса уларнинг келгусида иш билан таъминланиши ва мустақил даромад манбаига эга бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

“**Мазкур ташаббуслар маҳаллада хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни касб-хунарли қилиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.**”



Ўзбекистонда ЁШ ОИЛАЛАРГА ИПОТЕКА КРЕДИТИ ставкасининг 14 фоиздан юқори қисми қоплаб берилади.



Ижтимоий шартнома шартларини “аъло” даражада бажарган йигит-қиз БҲМНИНГ 3 БАРАВАРИ МИҚДОРИДА тақдирланади.



Ўзбекистонда жазони ўтаб чиққан ёшлар учун “ИККИНЧИ ИМКОН” ЛОЙИҲАСИ йўлга қўйилади.

2026 йил  
4 МАРТ,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №17

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ТАРТИБ


### СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЭМАС, УНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН ШАХС ЖАВОБГАР

Бугунги кунда сунъий интеллект ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. У иш жараёнларини тезлаштиради, инсон меҳнатини енгиллаштиради, мураккаб масалаларни қисқа вақтда ҳал қилиш имконини беради.

Анбарой ЖУМАОБОВА,  
Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Бирок технология қанчалик қулай бўлмасин, ундан нотўғри фойдаланиш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, шахсга доир маълумотларга сунъий интеллект орқали ноқонуний ишлов бериш ҳолатлари сўнги пайтларда кўпайгани жамиятда хавотир уйғотмоқда.

Мамлакатимизда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Ушбу ҳужжат шахсий маълумотларни химоя қилишнинг умумий қоидаларини белгилаб беради. Бироқ унда айнан сунъий интеллектдан фойдаланиб, маълумотларга ноқонуний ишлов бериш учун алоҳида жавобгарлик масаласи аниқ кўрсатилмаган. Яъни агар кимдир сунъий интеллект ёрдамида маълумот тарқатса, жавобгарлик қандай бўлиши очиқ-ойдин белгиланмаган.



Шу мақсадда Президентимиз 2026 йил 21 январь кунини имзолаган қонунга кўра, айрим қонун ҳужжатларига сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди ва шу орқали муҳим ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилди.

Эндиликда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш, уларни интернет, ОАВ ёки телекоммуникация тармоқлари орқали тарқатиш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Қонунга кўра, бундай ҳуқуқбузарлик учун БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача жазима қўлланади ҳамда ҳуқуқбузарлик воситалари мусодара қилиниши мумкин.

Бу ўзгаришнинг моҳияти нимада? Энг аввало, “ноқонуний ишлов бериш” тушунчасига аниқлик киритилди. Агар шахснинг розилигисиз унинг паспорт маълумоти, телефон рақами, банк карта реквизитлари ёки бошқа шахсий ахбороти йиғилса, сақланса ёки тарқатилса, бу — қонунбузарлик ҳисобланади. Худди шунингдек, сунъий интеллект ёрдамида шахснинг юзини аниқлаб, унинг номидан сохта видео (“deepfake”) ёки расм яратиш, интернетга жойлаштириш ҳам ноқонунийдир. Бундай ҳолатлар нафақат инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати зарар етказиши, балки молиявий хавф тўғрисида ҳам мумкин.

Муҳим жиҳат шундаки, сунъий интеллектнинг ўзи жавобгар бўлмайди. Жавобгарлик — уни ноқонуний мақсадда ишлатган шахс зиммасига юкланади. Чунки технология восита, қарорни эса инсон қабул қилади. Демак, қонун технологияни эмас, уни суиистеъмол қилган шахсни жавобгарликка тортади.

Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза ХАЛИЛОВА  
тайёрлади.



ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КўМАКЧИ

### Энг нодир неъмат, бу — ҳалол меҳнат билан топилган бахтда



Маҳалламизда бугунги кунда 1 605 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 315 нафари меҳнат миграциясида даромад илинжида ишлаётган бўлса, 168 нафари олий таълим муассасаларида таҳсил олмақда. 217 нафар ёш давлат ва хусусий ташкилотларда меҳнат қилляпти. Ҳарбий хизматга қузатилган йигитлардан 5 нафари хизматни ўтаб, иш фаолиятини давом эттираётди.

Бунёд ВАЛИЕВ,  
Чирокчи туманидаги  
“Додик” маҳалласи  
ёшлар етакчиси.

Кўриб турганингиздек, ёшларимиз ҳаракатчан, изланишда. Кимдир хорижда меҳнат қилиб оила боқаятган бўлса, кимдир олийгоҳда ўқиш, келажак пийдеворини қуряпти, яна кимдир ўз касби билан юрт тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ҳар бири — маҳалламиз фаҳри.

Аммо баъзан ҳаётнинг ўзи инсонни синовларда синайди. Қўлингдан иш келмай, юрагингда орзу бўлсаю, имкон топилмаса, бу оғир кечади. Бугун сўз маҳалламиздаги 20-30 ёш оралигидаги 5 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар ҳақида. Уларнинг айримлари оилали. Масалан, Эркин Чориев — гапира олмайдиган, бир нафар фарзанди бор. Тирикчилиги уйдаги икки бош чорвага боғлиқ. Қолган даромади болалар пули ва ҳомийлар кўмагидан иборат.

Бизнинг мақсад — ёрдам бериш эмас, имкон яратиш. Чунки инсон учун энг нодир неъмат — ҳалол меҳнат билан топилган бахтда. Ишонманки, бу ташаббус нафақат ўша 5 нафар ёш, балки бутун маҳалламиз учун ибрат бўлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ситора ДАВЛАТОВА,  
Хоразм вилояти:

— Мен 27 ёшдаман. Турмуш ўртоғим билан ўзаро келишолмай, суд орқали никоҳни бекор қилишга мажбур бўлдик. Ҳозир ариза топшириш жараёнидаман. Мени қийнаётган савол шуки, судда никоҳни бекор қилиш учун давлат божи кимдан ундирилади?

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

### Сулув сийратини суратларда сўзлайди

Санъат азалдан инсон қалбини сеҳрлаб келади. Айниқса, рассомчилик — ранглар орқали юракдаги туйғуларни сўзсиз ифода эта оладиган мўъжизавий олам. Баъзан биргина сурат инсон қалбига сокинлик, кўнглига ёруғлик олиб қиради.



Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА.

ундай истеъдод эгалари бугун маҳаллаларда камол топаётгани барчамиз учун қувончли. Жум-

ладан, Шеробод туманидаги “Пошхурт” маҳалласида яшовчи Сулув Мирзаева ўзининг мазмунан бой, бадий жиҳатдан мукамал ва ўзига хос ижодий ёндашув асосида яратилган санъат асарлари билан “Сеҳрли ранглар” Республика ижодий танловига ғолиб бўлди.



Бу хушхабар, айниқса, “Пошхурт” маҳалласига етиб келган кунни катта қувонч бағишлади. Ёшлар етакчиси Сулувнинг меҳнати, изланиши ва орзулар сари қатъий қадам ташлаётганини яқиндан кузатиб келганини таъкидлайди.

Унинг ҳар бир муваффақияти ортида тинимсиз машғулот, ус-тозларига ҳурмат ва оиласининг доимий қўллаб-қувватлаши турганини алоҳида қайд этади. Шу боис бу ютуқ фақат бир ёш рассомнинг ютуғигина эмас, бутун маҳалланинг қувончига айланди.

Маҳаллада Сулув муваффақияти алоҳида эътироф этилди: катталар дуога қўл очди, тенгдошлари хавас билан қаради. Чунки у ўз истеъдоди билан нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам ишонч ва илҳом улаша олди. Энди унинг ютуғидан руҳланган маҳалладаги бошқа иқтидорли ёшлар ҳам ўз имкониятларини танловларда синаб кўришни ният қилди.

### АЖРАЛИШ УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ КИМДАН УНДИРИЛАДИ?



Собир ОРЗИЕВ,  
оилавий низолаб бўйича адвокат:

— Никоҳни бекор қилиш тўғрисида судга ариза топширилганда, давлат божи ариза билан мувожаат қилган томондан ундирилади. Агар эр-хотин биргаликда никоҳдан ажратиш ҳақида судга ариза берган бўлса, давлат божи уларнинг ўзаро келишувига кўра, томонларнинг биридан ундирилади.

Давлат божи миқдори никоҳни бекор қилиш учун БҲМнинг икки баравари этиб белгиланган. Агар никоҳни бекор қилиш такрорий бўлса, яъни шахс илгари ҳам никоҳдан ажратилган бўлса, унда давлат божи БҲМнинг 4 баравари миқдорида ундирилади.



**ЯНВАРЬ-ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИДА**  
14 минг 847 нафар ногиронлиги бўлган шахс реабилитация воситалари билан таъминланди.



**Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги яратган “ҲАҚҚИМ БОР” НОМЛИ ФИЛЬМ** нуфузли “Epica Awards” халқаро танловида **ғолиб бўлди.**



**Имтиҳон кўникмаларини шакллантириш мақсадида ногиронлиги бўлган абитуриентлар учун РЕПЕТИЦИОН ТЕСТ СИНОВЛАРИ** ташкил этилмоқда.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“Олам аро ҳар бир одам бир олам”

**Қандай шароитда бўлмасин, ҳаммининг ўзига яраша орзу-умидлари, армонлари ва ўй-мақсадлари бор. Болаларни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Айниқса, имконияти чекланган мурғак қалб эгаларининг ҳаётга чанқок, порлаб турган кўзларига дунёни янада ёрқин кўрсатишда ижтимоий ходимларнинг ўрни жуда катта.**

**Нодирахон АБДУВАҲОБОВА, Кўргонтепа туманидаги “Юксалиш” маҳалласи ижтимоий ходими.**

Харакатсиз, бир жойда ўтириб қолган боланинг кучага чиқиши, табиат гузалликларидан баҳра олиши учун баъзан биргина аравача тақдим этишнинг ўзи кифоя қилиши мумкин. Шу орқали унинг яшашга ҳаваси ортади, ўзига бўлган ишончи кучаяди. Кимгадир шу бахтни ҳаёда этишга муносиб ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман.

“Еттилик” ходимлари билан ҳамкорликда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ижти-

мой хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Уларнинг даромадини ошириш, ўз ҳаётий эҳтиёжларини мустақил қондиришда давлатимиз олиб бораётган тизимли ислохотлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Бунга яққол мисол қилиб, илгари тортиниб, ўзини четга олган ногиронлиги бор шахслар, айниқса, болалар энди жамоавий тадбирларга, спорт мусобақаларига дадил қатнашаётганини, ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айланганларини келтириш мумкин. Ҳар гал уларнинг ҳолидан хабар олар эканман, интилишларини, ҳаётга бўлган қизиқишини кўриб ҳайратланаман.

**Энг қувонарлиси, яқинда худудимизда ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизмати ташкил этилгани бўлди. Бу нафақат имконияти чекланган болалар учун, балки уларни парваришлаган оналарга ҳам анча қулайликларни юзага келтирди.**



Йиллар давомида ўзи учун вақт ажратмаган оналар янги ташаббус сабаб бошқа фарзандларига ҳам эътибор қаратяпти, оиласининг даромадини оширишга кўмаклашяпти.

Маҳалламиздаги 6 нафар имконияти чекланган боланинг 4 нафари кундузги гуруҳларига жалб қилинган. Бу ерда тарбияланувчилар учун барча имкониятлар мавжуд. Мутахассислар уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида жамоавий усуллардан фойдаланаётгани ўз самарасини кўрсатяпти.

Бугун маҳалладаги ҳар бир ислохот фуқароларнинг тинч ва фаровон турмуш кечириши, оилавий даромадини ошириш ва жамият равангига учун муносиб ҳисса қўшишига хизмат қиляпти. Қувонарлиси, натижалар тобора яхшиланяпти. Одамларнинг қайфияти кўтариляпти. Ҳаётда ишлаш истагини билдираётганлар қатори тобора кенгаймоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

“Оилавий масала”, анъана ва урф-одатлар зўравонлик ва тазйиқни оқламайди

**Болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши эса ана шу йўналишдаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу қонун бола манфаати устувор эканини тасдиқловчи аниқ тизимлар мажмуасидир.**

**Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлими бошлиғи.**



**Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири, бу — болага ҳимоя ордери институтининг жорий этилганидир. Мазкур ҳужжат болани таҳдид солаётган шахсдан ҳуқуқий жиҳатдан ажратиб ва унинг ҳавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Тизим боланинг ҳаёти ва соғлиғини дарҳол ҳимоя қилишга хизмат қилади. Зарур ҳолларда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкинлиги эса бола ҳавфсизлигига узоқ муддатли қафолат яратади.**

2025 йил давомида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари болаларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида алимент масалалари юзасидан судларга 3,5 мингдан ортиқ даъво аризаси киритиб, алимент тайинлаши таъминлади.

**Қонун болага нисбатан зўравонликка муросасиз муносабат шакллантиришни мақсад қилиб, “оилавий масала” деган тушунча билан зўравонликни яшириш амалиётига барҳам беради. Боланинг шаъни ва кадр-қиммати давлат ҳимоясида. Ҳеч қандай анъана ёки урф-одат вояга етмаган шахсга нисбатан тазйиқни оқлаб бермайди. Бу тамойил қонуннинг асосий ғояларидан бири ҳисобланади.**

Жабрланган болаларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ҳам қонуннинг муҳим қисми ҳисобланади. Зўравонликка учраган бола фақат ҳуқуқий ёрдамга эмас, балки психологик тикланишга ҳам муҳтож бўлади. Шу боис ижтимоий ва психологик-ҳуқуқий хизматлар, шунингдек, реабилитация муассасалари фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу ёндашув боланинг тўлиқ тикланиши ва жамиятга мослашишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда мазкур соҳани янги босқичга олиб чиқди. Қонундаги самарали тизим болани ҳимоя қилиш баробарида унинг шаъни, кадр-қиммати ва ҳавфсиз ҳаёт кечириш ҳуқуқини амалда таъминлайди. Давлат гўдакни ҳаётининг барча босқичларида, яъни оилада, таълим муассасасида, жамоат жойларида ва рақамли муҳитда ҳам ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу маънода мазкур қонун нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилувчи мустаҳкам қафолатдир.



**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.**

МЕНДА САВОЛ БОР...

Боғча пули камайтиради?

**Гулсанам ТОҲИРОВА, Қорақалпоғистон Республикаси:**

— **Айрим худудларда боғча пули камайрилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Бу ўзгариш айнан қайси вилоятлар учун амал қилади? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот бера оласизми?**



**Тимур АМИНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

— “Қорақалпоғистон Республикасини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2026 йил 1 апрелдан маъмурий бошқарув жиҳатдан Нукус шаҳри таркибига кирувчи “Қаратау” ва “Бестобе” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига давлат мактабгача таълим ташкилотларида бола таъминоти учун ота-оналар тўловига 50 фоиз камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАСИЗ...

САҲОВАТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ БИР МАНЗИЛДА

**Муборак Рамазон фойизи ва шуқуқий юртимиз бўйлаб кезиб юрган шу кунларда “Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи” деган эзгу ғоя асосида кенг кўламли хайрия ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.**



**Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.**

Тошкент вилоятида ҳам оғир аҳволдаги, ёрдамга муҳтож фуқаролар эътибордан четда қолмапти. Хусусан, беморларга текинга даволаниши учун махсус ваучерлар етказилмоқда.

Оқангарон шаҳрида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган 3 нафар фуқарога ваучер топширилди. “Бўстон” маҳалласида яшовчи Хуршид Бўтаев II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс, мустақил ҳаракатлана олмайди. Ижтимоий ходим Хулқар Аширова доимий равишда унинг ҳолидан хабар олиб, зарур амалий ёрдамларни кўрсатиб келмоқда.

**Маълум қилинишича, аввалроқ фуқарога ногиронлик аравачаси ажратилган, фарзандларига нафақа тайинланган. Худуд масъуллари кўмағида унинг хонадони таъмирланиб, яшаш шароити яхшиланган. Саломатлигини тиклаш мақсадида бир неча бор бепул жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилган.**

Навбатдаги муолажа учун эса қарийб 38 миллион сўм маблағ талаб этилган. Оиланинг мавжуд шароити инобатга олиниб, бемор Хуршид Бўтаевга “Вақф” хайрия жамоат фонди 40 миллион сўмлик ваучер топширди. Ушбу маблағ унинг даволаниш жараёнини давом эттиришга хизмат қилади.



**Қўшилган қиймат солиғини қайтариш автоматлаштирилади, солиқ ставкалари ўзгармайди.**



**Қишлоқ хўжалигиغا мўлжалланмаган ЕРЛАР учун солиқ ставкалари ўртача 7 фоизга оширилди.**



**БИЗНЕС-ОМБУДСМАН АРАЛАШУВИ билан 106 миллиард сўмлик нотўғри солиқ ҳисоб-китоби бекор қилинди.**

**2026 йил  
4 МАРТ,  
ЧОРШАНБА**

**Mahalla №17**

**7**

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

**СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ**

### СУҒОРИЛАДИГАН ЕРГА СУБСИДИЯ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

**Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида суғориладиган ерларнинг самарали ишлатилиши узоқ йиллардан бери муҳим масала бўлиб келмоқда.**

**Шаҳноза ХАЛИЛОВА.**

Базми фермерлар суғориш тизимларини эскирган каналлар ёки самарасиз техника билан ишлатади, натижада сув етарли даражада этиб бормайди, ҳосил паст бўлади. Шу билан бирга, сувдан ортиқча фойдаланиш ҳудудларда ортиқча харажат ва атроф-муҳитга зарар етказиши.

Айнан шу муаммоларни камайтириш мақсадида “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ 2027 йилдан бошлаб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси ва сув тежовчи технологияларга ажратиладиган субсидиялар суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, сув билан барқарор таъминланмаган ҳудудларда сув тежовчи технологиялар жорий қилинса, фермерлар оладиган субсидия 1,25 оширувчи коэффициент билан ҳисобланади. Бу эса фермерларни инновацион технологияларни қўллашга рағбатлантиради ва сувдан оқилона фойдаланишга ундайди.



**Бошқа жиҳатдан, сув билан барқарор таъминланган ҳудудларда сув тежовчи технологиялар жорий қилинмаган тақдирда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробар оширилади. Бу қоидалар фермерларни сувни самарали ишлатишга, ортиқча сарф-харажат ва сув исрофини камайтиришга мажбур қилади.**



Шунингдек, 2027 йилдан шולי етиштириладиган майдонлар ва балкичилик хўжалиги ташкил қилинган ер майдонларида “ақлли” сув ўлчаш ва ҳисоблаш воситаларини ўрнатиш мажбурий этиб белгилади. Агар ушбу воситалар ўрнатилмаса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробар оширилади.

Шу тарзда, қарор нафақат сув ресурсларини тежашни рағбатлантиради, балки фермерлар фаолиятини инновацион технологиялар билан модернизация қилишни таъминлайди.

**ТАРТИБ**

### Ҳисоб-китоблар шаффоф, жараён тез ва қулай



**Энг қувонарлиси, Зумрад опа илк савдосидан кейин бизга миннатдорлик билдирди. “Агар сизлар бўлмаганингизда, бу ишни бошлашга журъат қилолмасдим”, деди. Ана шундай пайтда солиқ инспектори сифатида қилган меҳнатингизнинг самарасини ҳис қиласиз.**

**СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...**

**Ойбек БҲУОНОВ. Бухоро вилояти:**  
— Ногиронлигим сабабли ҳозирда ишсизман. Эндиликда уйимга яқин жойда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлашни режалаштиряпман. Ногиронлиги бўлган шахс сифатида менга солиқ имтиёзлари мавжудми?

### НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСГА СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БОРМИ?

**Дилшод ЙЎЛДОШЕВ, Бухоро вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:**

— Қатъий белгиланган солиқ ставкаси тўловчиси 1 ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганда фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, оёйга қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ БҲМнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди. Бу имтиёз сизнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашингиз ва уни барқарор юритишингиз учун қўшимча енгиллик яратди.



Шунингдек, агар сиз келажақда фаолиятингизни кенгайтириб, бошқа ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олсангиз, бу ҳолатда ҳам алоҳида рағбатлантирилмас ва солиқ енгилликларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Тавсия қиламизки, аниқ фаолият турига қараб солиқ ташкилотларига мурожаат қилиб, қўлланиладиган имтиёزلарни расмийлаштириб олинг.

**Фаолиятимизда ҳар куни турли масалалар, турли одамлар, турли муаммолар билан юзма-юз келамиз. Лекин хизматимиз натижасини, энг муҳими, халқ меҳрини ҳис қилганимда, меҳнатдаги барча машаққатлар бир четга сурилади. Ҳар тонг айнан шу меҳр ҳисси мени яна халқ хизматига чорлайди.**

Бугун тўрт маҳаллада олиб бораётган ишларимиз ортдан миннатдорлик сўзларини эшитаётганимиз — биз учун энг катта муқофот. Йил бошидан КРИ бўйича белгиланган режа асосида солиқларни шакллантириш, тадбиркорларни қонуний ва барқарор фаолият юритишга йўналтириш ишларини тизимли йўлга қўйдик. Ҳоким ёрдамчиси тадбиркорларга иқтисодий кўмак бераётган бўлса, биз — солиқ ходимлари уларга солиқ тартиб-қоидалари, ҳисобот топшириш, тўловларни амалга ошириш бўйича аниқ йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқдамиз.

Яқинда “Меҳнатобод” маҳалласида бир вазият юзага келди. Маҳалламиздаги бир фуқаро хорижга чиқиб кетгани сабабли унинг озиқ-овқат дўкони анча вақтдан бери ёпиқ турарди. Бу ҳолатдан хабардор эдик. Фуқаронинг ҳоласи — Зумрад Саидова мурожаат қилиб, дўконни қайта ишга туширмоқчи эканини, бироқ тадбиркорлик ва солиқ ишларидан умуман бехабар эканини айтди. У ёлғиз аёл, нима қилишни билмай иккилашиб турарди.

**Убайдулло АБРАЕВ, Шеробод туманидаги “Меҳнатобод”, “Дехқонарик”, “Гулчипор”, “Ҳакимобод” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Биз бу масалани ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда ҳал этдик. Аввало, унга кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди.



**Мен эса солиқ тартиб-қоидаларини босқичма-босқич тушунириб бердим: тадбиркорликни расмийлаштириш, солиқ турини танлаш, ҳисобот топшириш муддатлари, онлайн назорат-касса машинасидан фойдаланиш — барчасини бирма-бир кўрсатдим. Ҳужжатларни тўғрилашда шахсан ўзим бош-қош бўлдим.**

Шу билан бирга, фаолиятимиз ҳам анча енгиллашди. Авваллари солиқларни ундириш жараёни мураккаб-роқ эди. Фуқароларда пластик карта бўлса-да, тўловни қабул қилиш, ҳисобга олиш масалалари қийинчилик туғдирарди. Бугунги кунда эса солиқ ходимларига замонавий қурилмалар берилган. Ушбу мосламалар орқали солиқ тушумларини жойида расмийлаштириш, тўловни тезкор қабул қилиш имконияти яратилди.

**Ҳозир фермер хўжаликлари, юридик шахслар, нодавлат ношижорат ташкилотлар, мол-мулк солиғи тўловчилар билан ишлаш жараёни анча соддалашган. Ҳисоб-китоблар шаффоф, жараён тез ва қулай. Бу эса нафақат бизнинг ишимизни, балки солиқ тўловчиларнинг ҳам вақтини тежайди.**

### Ҳисобда қолган маблағ сармоя ҳамда мадад

**Наслчилик чорвачилиги нафақат қишлоқ хўжалигида барқарор даромад манбаи, балки маҳаллий иқтисодиётга ҳам сезиларли фойда келтирадиган йўналишлардан биридир.**

**Сожида ЭШМАТОВА.**

Андижон туманидаги “Янги Тўлқин” маҳалласида яшовчи Баҳромжон Исмоилов ана шундай самарали йўналиш бўйича фаолият юритади. Унинг фермер хўжалиги, асосан, наслчиликка ихтисослашган: 500 бошдан ортиқ насли қорамоллар парвариш қилинади, йилига 1 200-1 300 тонна сут ва 15-24 тонна гўшт маҳсулоти ишлаб чиқарилади.



Баҳромжоннинг айтишича, у солиқ ҳисоботларини тайёрлашда маҳалладаги солиқ инспектори ёрдамига таянади. Инспектор нафақат ҳужжатларни текширади, балки ҳисоботларни қандай тез ва хатоларсиз топшириш, маблағни қандай назорат қилиш ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш йўллари ҳам батафсил тушуниради.

Фермер учун энг катта қўлайликлардан бири, бу — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига

қўшилган қиймат солиғининг “ноль” миқдорда қўлланиши бўлди. Энди Баҳромжон 2025-2026 йилларга мўлжалланган ойлари учун 90 миллион сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳужжалик ҳисобида сақлаш имконига эга. Шу маблағ ёрдамида у янги техника сотиб олади, қорамолларни парваришлар шароитини яхшилайти ва ҳатто сутни қайта ишловчи кичик қорхонани ривожлантириш имконига эга бўлади.



**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.**

**“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ!”**



Эндиликда йўловчи божхона декларациясини **МОБИЛЬ ИЛОВА ОРҚАЛИ** электрон шаклда топшириш мумкин.



1 мартдан бошлаб, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун **ЖАРИМА ХАТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ** тўхтатилади.



**АЙРИМ НИЗОСИЗ ТАЛАБЛАР БЎЙИЧА** нотариуслар ижро ҳужжатини қабул қилиши мумкин.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

**ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁШЛАРГА КАЛИТНИ КИМ БЕРЯПТИ?**



МУЛОҲАЗА

“BMW” русумли транспорт воситаси билан боғлиқ авария ҳолати ахборот майдонининг бош мавзусига айланди. Аниқлик киритилганидек, машинани ҳеч қандай ҳужжатларсиз бошқариб, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузгани ортидан Тошкент шаҳар ИИББ ЙПХ инспекторининг ўлимига сабаб бўлган фуқаро — вояга етмаган шахс бўлиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Аини пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



Элдор МУҲАММАДИЕВ, журналист.

Афсуски, вояга етмаганлар бошқаруви оқибатида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари кундан-кун кўпайиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, фожиа кўпинча бир хатодан эмас, бепарволикдан бошланмоқда. Шу уринда ҳақли савол туғилади. Вояга етмаган болаларга калитни ким бермоқда? Назоратни ким қўлдан чиқармоқда? “Ҳеч нарса бўлмайди” деган ишонччи ким сингдирмоқда? Биз, катталар, ота-оналар эмасми?

Самарқанд туманида содир бўлган яна бир аянчли ҳодиса муаммонинг илдизи анча чуқур эканини кўрсатмоқда. Ота-онасининг сийлови туфайли машинани бўлган ўсмир дўстларини миндириб, маҳалла кўчаларида



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳих **Феруза ФУЗАЙЛОВА** ўқиди.

Шундан сўнг икки машинада 8-9 нафар ўсмир кимўзар пойга ўйнаган. Натижа эса фожиали кечди. Рўпарадан келаётган автомобиль билан тўқнашув содир бўлди. Беш нафар ўсмир шифохонага ётқизилди. Манманлик ва масъулиятсизлик бир оиланинг эмас, бир нечта хонадоннинг тақдирини ўзгартирди. Бир ўсмирнинг кўзи қайта очилмади...

Шифохона олдида ҳафталаб тунни тун демай турган, кўзлари ёшга тўлган ота-оналар ҳолатини бошига тушмаган одам тўлиқ тасаввур қила олмайди. Аммо аччиқ ҳақиқат шундаки: йўл ҳаракати қоидаларини ўзлаштирмасдан транспорт бошқариш, бу — шўхлик эмас, бу — хавф.

Энг ташвишли томони — айрим ҳолларда ота-оналар айбни ўздан эмас, бошқадан излайди. Ҳолбуки, масаланинг илк нуқтаси кўпинча хонадон остонасидан бошланади.

Яқинда бир мактаб директори маслаҳат сўраб мурожаат қилди. Унинг айтишича, юқори синф ўқувчиларидан бири мактабга мунтазам равишда машина бошқариб келган. Танаффус пайтида синфдошларини миндириб шаҳар айланган. Маҳалла ва мактаб раҳбарияти бир неча бор йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини чақиртириб, автомобилни жарима майдонига жойлаштирган. Аммо ҳар сафар жарима тўланиб, ҳолат яна такрорланган.

Масала шундаки, маҳалла ва мактаб интизомни талаб қилади, аммо айрим ота-оналар бу огоҳлантиришни жиддий қабул қилмайди. Жамоатчилик назорати сусайганда, тарбия институти ёлғиз қолади. Чунки маҳалла ва мактабнинг таъсири оила қўллаб-қувватламагунча тўлиқ самара бермайди. Тарбия бир томонлама бўлмайди — у ҳамкорликни талаб қилади.

**Автомобиль — ўйинчоқ эмас. У ҳаётни сақлаш воситаси ҳам, уни йўқ қилиш қуроли ҳам бўлиши мумкин. Вояга етмаган бола қўлидаги рул, бу — фақат темир эмас, бу — тақдирни бошқариш восита ҳам. Ота-она фарзандига машина калитини берганда, у фақат металл буюмни эмас, балки эҳтимолий фожиянинг эшигини очаётганини англаши керак.**

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

**“ЕТТИЛИК”КА БОСИМ ЎТКАЗГАН “БОЙКА” УШЛАНДИ**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ўзини қонундан устун қўяётган тўдалар, тадбиркорларга босим ўтказётган “кўча” вакиллари ва спортчиларнинг жиноятга аралашиб қолаётганини танқид қилиб, давлат уларни жилавлашга қодир эканини таъкидлаган эди.



Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда бундай шахсларга нисбатан бутун жамият билан ҳамкорликда қатъий кураш олиб бориляпти. Хусусан, Жиззах вилоятида ўтказилган тезкор тадбирда бир неча жиноятларни содир этиб келган Н.Т. қўлга олинди. Лақаби “бойка” бўлиб, муқаддам икки маротаба судланган. У фуқароларга нисбатан зўравонлик, қўрқитиш ва таъзиқ ўтказиш орқали пул ва бошқа моддий қимматликларни қўлга киритиш билан шуғулланиб келган.

**Масаланинг оғриқли жиҳати, у маҳалла ходимларига босим ўтказишгача борган. Жумладан, ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган ходимга босим ўтказиб, қалбаки мониторинг далолатномалари орқали бир неча фуқарога жами 164,6 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига эришган.**

Тезкор тадбир давомида у маҳалла биносига ҳоким ёрдамчиси ҳамда профилактика инспектори билан учрашув вақтида қўлга олинди. Ҳолат юзасидан Зарбдор тумани прокуратураси унга нисбатан жиноят иши қўзғатиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олди.

**Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати.**

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

**БЕҚАРОРЛИК БИРДАН ПАЙДО БЎЛАДИГАН ҲОЛАТ ЭМАС**

Ҳудудимизда илгари жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган. Шу сабабли “қизил” тоифада эдик. Бугун манзара ижобий тарафга ўзгаряпти. Хўш, бунга ким ёки нима сабаб бўлди?

**Хуршид АЛМАТОВ, Муборак туманидаги “Сариқ” маҳалласи профилактика инспектори.**

Биринчи навбатда, “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “2026 йил республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадор-

лигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорлари ижроси тўлиқ бажариляпти. Қолаверса, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили жорий этилиб, умумий узунлиги 2,3 километр бўлган 3 та “хавфсиз кўча” ташкил этилди. Уларда 110 та қўёш панелли эритиш чироқлари, 6 та кузатув ва 2 та юз танувчи камера ўрнатилди. Шунингдек, 21 та йўл белгиси, 2 та йўл чизиклари янгиланди. Лойиҳа учун жами 250 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Маҳалла фуқаролар йиғини бино-



**Биз ана шу жараёнларни эрта аниқлаб, чора кўряпмиз. Бу билан жазога асосланган ёндашувдан кўра, жиноятнинг олдини олишда профилактикага таянғимиз.**

си атрофида ҳам ободонлаштириш, асфальт ётқизиш ва тозалаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, мавжуд 4 та кишлоқнинг асосий кўчаларига ҳам кузатув камералари, эритиш чироқлари ўрнатилди. Улар 24 соат ишляпти, биз эса ҳолатни мониторинг орқали кузатиб боряпмиз. Ўрнатилганига бир ой бўлди, натижаси сезилди. Маҳалламиз тинч ва осойишта худудга айланди.

Дарҳақиқат, жиноятчилик, зўравонлик ёки ижтимоий беқарорлик ҳеч қачон бирдангина пайдо бўлмайди. Унга олиб келувчи омиллар аввал кичик аломатлар, эйтиб-бордан четда қолаётган ҳолатлар, оиладаги ёки ёшлар билан боғлиқ муаммоли вазиятлар, қўшничилик муносабатларидаги зиддиятлар сифатида намоён бўлади.



**Муаммо маҳаллада аниқланиб, шу ерда муҳокама қилиниб, ҳал этиляпти. Натижада у катта ижтимоий хавф даражасига етиб бормаяпти.**

**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**

